

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон
Республикаси
иқтисодий-
ижтимоий
газетаси

1974 йил 1 январдан чиқ бошлаган

Qishloq HAYOTI

2001 ЙИЛ 1 январ, ДУШАНБА

№ 1-2 (6.215).
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз затадонлар!

Мухтарам дўстлар!

Авваламбор, байрам дастурхони атрофида жал бўлиб ўтирган сиз, азизларни - кечаю йил барча юртдошларимни кириб келаётган Янги йил айёми билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Бир неча дақиқалардан кейин инсон ўзига тасавур қилиши ҳам қийин бўлган воқеанинг гувоҳи бўлмас - хонадонларимизга бир пайтнинг ўзида янги йил, янги аср, янги минг йиллик кириб келади.

Асрлар ва минг йилликларалмашадиган, инсониятнинг даврга қадам қўядиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш - барчамизга Олғоҳ таоло насиб этгнлуғ инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етиаганлар бор.

Азиз юртдошларим!

Ўзининг оламшумул ютуқлари ва мислсиз фожиялари, мураккаб зиддиятлари билан одамзотни хайратга олдирган ХХ аср билан хайрлашар эканмиз, унинг ўқ-ўп ҳақиқатларини очиб берган тарихий сабоқлари бепер ҳаёлимиздан ўтади.

Бу давр кишлоқ тарихида инсоннинг коинотга қизиқиши, илм-фаннинг гуркираб ривожланиши, чинакам муҳа-ларга йўл очилиши, ишлаб чиқаришни, ижтимоий ҳаёт ва инсон дунёқарашини кескин ўзгаришиб юборгани билан одамзот хотирасида ўчмас из қолдилади.

Бу аср жабон миқёсида мустақиллашчилик тузумининг барҳам топиши, миллионлаб мазлун халқларнинг озодлик ва эркинлик учун кураш даври бўлгани билан ҳам аҳамият-лидир.

Лекин, таассуфки, инсоният бу эрда ҳам оғир муам-лар, турли синнов ва ҳавф хатарлардан бутунлай қас бўлолмади.

Дунёнинг икки марта жабон рушани бошдан кечирган, бутун-бутун халқлар ҳаётига ҳавф слагдиган миллий, ма-курдвий, диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг, ҳу-дий можароларнинг авж олгани, халқаро террорчил, экстремизм, экологик хатарлар, ғиёҳандлик каби ил-лар инсоният бошига улкан мусибатлар олиб келгани ҳа-манча шу даврнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ўтаётган асримизга хос бундай ижтимоий-тўғрил бизнинг ўлкамизни ҳам четлабўтгани йўқ, албатта. Ҳа-миз мустақиллашчилик зулми ва қарамлик жабрини трт-мустабид тузум, камситиш, тайиқ ва қатагон йиллари бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўли қанча-қанча қўрбонлар берди. Лекин ҳар қандай оғ-машаққатли синновларда ҳам ўз орзу-ниятларидан ди-дённатидан, улуғ мақсадларидан, ҳурият сари интилиш-дан қайтмади.

Шу боис ҳам халқимиз, миллитимиз учун, шу табарук муътабар замин - Ўзбекистон менинг ягона ва бағрак Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси ин-сон учун ХХ аср, аввало, мустақиллик аси бўлиб қолмас.

Биз тарих берган ноёб имкониядан фойдаланиб, ҳаётиимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўлигимиз англади. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, ҳақим-нинг олижаноб фазилатлари, сабр-миллати, фидкор меҳнати туйғайли қисқа даврда - ш асрнинг оғри-и йиллигида келажатимиз ва бахт-саодатимиз пойдори



барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз.

Шу маънода, дунёдаги илгор мамлакатлар билан бирга-ликда тараққиёт йўлидан бориш, ҳаётимизни ислоҳ этиш, жамият ва давлат тизимини янгилаш ва эркинлаштириш, бир сўз билан айтганда, юртимизни обод, халқимиз ҳаётини фаровон қилиш борасида 2000 йил ўзига хос ўринга эга бўлди.

Ўйлайманки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ул-кан бунёдкорлик ишларига бефарқ қарамайдиган, мана шу ўзгаришларни ўз қалбидан ўтказадиган ҳар қайси инсон ҳаётимизда рўй бераётган янгилашни жараёнларини кўриб беихтиёр қувонгани шубҳасиз.

Шаҳар-кишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, чирой очаётгани, бепоян далаларимизда, ишга туширилаётган янги-янги корхоналаримизда, умуман, икти-содиётимизнинг барча соҳаларида одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, масъулияти ортиб бораётгани бугунги кунимизнинг энг устувор хусусиятидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Маънавий-маданий ҳаётимизни янги маъно-мазмун бил-лан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл то-мирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзлгимизни англаш ва буюк мақсадлари-мизга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бу борада Соғлом авлодни тарбиялаш, Қадрлар тай-ёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш,

фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб воёга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қол-майди.

Айни вақтда юртимизнинг бойликларига қўз олайтираёт-ган, танлаб олган йўлимиздан собитқадамлик билан олға юришимизни қўрқолмайдиган, қўпмиллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни, жами-ятимизда ҳукм сураётган меҳр-оқибатни бузишга уринаёт-ган манфур кучлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис биз бу кучларнинг қабих ниятларидан доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, азиз болажонларимизни асраш ва улар-ни ёвуз таъсирлардан сақлаш - ҳар бир ота-онанинг инсоний бурчи эканини яна бир қарра англаб олишимиз даркор.

Мухтарам дўстларим, биродарларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда ҳар қайси инсон Оллоҳ таолодан қалбнинг тўрида ардоқлаб келаётган энг эзгу истак ва ўйлари рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фар-зандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўқиллик ато этишини, омад ёр бўлишини сўрайди.

Мен ҳам сиз - миллион-миллион азиз ҳамюртларимнинг ана шундай ёзу-умидларига тилақдosh бўлиб, дилингиздаги пок ниятларингиз ижобат топишини Ўратганимиздан сўрайман.

Ҳеч шубҳасиз, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини ас-раш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тадбиркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшаёт-ган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва, иншооллоҳ, ўз самарасини беради.

Янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб атаб, янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давом-чиси бўлган мунис оналар ва истикболимиз эгалари - фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустаҳкам қарор топа-ётганининг тасдиғидир.

Биз кириб келаётган йилда катта ифтихор ва ғурур билан нишонлайдиган мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами ҳамда тарихимиздаги буюк саналарни муносиб қутиб олишга қаратилган барча режаларимиз янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўиши ва унинг файзу баракасини зиёда этиши мукаррар.

Қадрли ватандошларим! Барчамизнинг нигоҳимиз мангулик сари ошиқаётган соат милларига қаратилган мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳар бирингизни хаёлан бағримга босиб, айтмоқчиман:

Янги йил хонадонларимизга бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Дуоғу! отахон ва онахонларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ўғил-қизларимизнинг камолини берсин!

Халқимизнинг боши омон, юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо бўлсин!

Янги йил, янги аср, янги мингйиллик барчамизга мубо-рак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Одатда янги йил байрамини ҳамма-дан кўра кўпроқ кичкинтойлар орзиқиб кутади. Тошкентдаги «Туркистон» са-ройида бошланган «Президент арча-си» тантаналарида ҳам бу яна бир бор ўз исботини топди.

Чунки янги йил, янги аср, янги мингйил-лик бўсағасидаги бундай шодиёналар юрти-мизда ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда, қувнок ўтмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари-да оналар ва болалар саломатлиги муҳо-фазаси, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, баркамол инсон бўлиб воёга ети-лиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилин-моқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббу-си билан улар учун жабон андозалари да-ражасидаги илм даргоҳлари, саломатлик марказлари, ихтисослашган тиббиёт муас-

сасалари барпо этилмоқда. Янги 2001 йил Оналар ва болалар йили деб эълон қилин-ганлиги эса халқ, миллат, давлатимизнинг эртанги кунни янада нурли ва фаровон бўли-шига ишорадир.

Шуниси эътиборлики, Ватанимизда ўтқа-зилажак аънавий Болалар санъати респуб-лика фестивали бу йил ҳам айнан «Президент арчаси» тантаналари билан бошланди. Фес-тивалга янги асрнинг дастлабки йили 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоялаш кунига аян-ясади.

... Мусика янграйди. Кичкинтойларнинг арча атрофида қувнок куй ва қўшиқлари «Ке-лажакка саҳнат» деб аталган театрлаштирил-ган томоша - эртатка улашиб кетади. Барча болаларга Президент совғалари улашади.

Тантаналар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА
ВА КАРИМОВА ХОНИМГА

Оиламиз, Оқ уйда ўтказилган алоҳида учрашувимизни самимий билан эъзозлаб эслаган ҳолда, Сизга ва оилангиз-га тинчлик-осойишталик ҳамда эзгу ниятлар билан йўғрил-ган Янги йилни шодиёна байрам сифатида қутиб олишингиз-ни чин дилимиздан тилаб билдирган истакларини йўллайди.

Билл КЛИНТОН
Ҳиллари Родхэм КЛИНТОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Кириб келаётган Янги 2001 йил муносабати билан сами-мий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Туғаб бораётган йилда биргаликдаги саёй-ҳаракатлар бил-лан Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли чинакам ҳамжиҳатлиқни ривожлантириш учун талайгина ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Биз учрашувларимиз чоғида қўлга киритилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги аънавий дўстона алоқалар ва ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш иш-га самарали хизмат қилишига изчиллик билан эриша бориш ниятдамыз.

Сизга чин қалбдан сикат-саломатлик, Ўзбекистонни ра-вақ топтириш йўлидаги давлат фаолиятингизда муваффақи-ятлар, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан тинчлик барқарор бўлишини тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Кофи АННАН, Бирлашган
Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Байрам муносабати билан энг эзгу тилақларимни йўллайман.

Лорд Робертсон ПОРТ-ЭЛЛЕНСКИЙ,
НАТО Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил ва янги аср бошланиши муносабати билан энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз!

Цзян ЦЗЭМИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан энг эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз.

Тони БЛЭР,
Буюк Британия Бош вазири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан самимий салом ва энг эзгу тилақларимизни йўллайман!

Герхард ШРЁДЕР,
Германия Федератив Республикаси
Федерал Канцлери

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан энг эзгу тилақларимни йўллайман!

Янги асрда бутун дунё бўйлаб тинчлик ва уйғунлик қарор топаверсин!

КИМ Дэ Жунг,
Корея Республикаси Президенти

"РАНЖ КЎРМАЙ КИКИ ТОПАРМУ ФАРОҒ..."

Бугун мустақиллик нашидасидан равшан фала-римизда ўзгача бир жозиба, ўзгача бир ҳушдилик. Бу ҳушдилик - муаззам урими-нинг ҳар бекни, ҳар бир лаҳзаси янгича маъно вамазмун қазиб, янги аср, янги мингйиллик сариёзгу ният тоза орзулар билан дадил бораётганидир.

Миллийистиклол гоёси ону шууримизни тоб нур-лантириб турган ўзбекнинг муфози ва обрўси:алиб бораётган шбу кунларнинг ҳосияти, олмоғи ва ўли-яти ниҳоятда бекиёсдир. Чунки биз 2(аср биландола-шиб, янги аср билан юз кўришдик. Ав шундайборак кунларда бир нар ало-ҳида ургу бе-лар эдим. 2) аср менўзбек

ОЛИЙ САОДТ

аёлига менўзбекман,дея фахр билан, гуру билнзлаш имконини берди. Бугун дунёнг хохлган бурча ту-риб, мен ўзбек аёлиман деб бираллайтишимкин. Аждодларимнинг қалбига дард туғи ётган энлар хомиласидан туғилган энг нури қисмт истиқл бер-ди. Бугун жабон спорт ареналарида эбекнингирои кўтарилиб, мадҳияси янграганда, ярагимдёнсиз бир, таърифсиз бир орзиқиб сезаман. Ҳар жабон сахнасида туриб, Олдузхонга қишилиҳатто, т мил-лат қизларининг ҳам ўзбекнингқўлиғни қуйлинида кўзларидан беиҳтиёр ёш оқади. Дема, 20 асрга ана шундай миллий гуруримизни, ифтиримиэйтиб берди.Шунинг учун ҳам мен ундан мингдан-муо-зиман.

(Давоми 2-бетда)

ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

"Одамзотнинг қўли очик, қалби сахий бўлса, узок яшайди", деган нақл юради элда. Ҳаллолорл туманининг Бахмалсой қишлоғи аҳолиси бу нақл ростлигини Қувват бобо тимсолида айтиб юришади.

Уларнинг айтишларича,

УЧ АСРНИ КЎРГАН БОБО

Қувват бобо ёшлик йилла-рида қишлоқдошлари не ишга қўл урса, улар ҳузу-рида доимо ҳозир нозир тураркан. "Ёш келса ишга", деган мақолни айтиб, лой қоришми, гарам бошишми, киришиб кетавераркан. Оғир уруш йилларида ва ундан кейинги ҳахатчилик пайтларида ҳам Қувват бо-бининг ҳаётдан нолганини-ни, ўзини одамлардан чет-

барака топсин, кўп яшасин, бола-чақаси кўп бўлсин". Дуолар ижобат бўлиб, Қув-ват бобо умридан барака топмоқда. Яқинда 104 ёшга тўлди. Бола-чақадан ҳам кам эмас. Уч ўғил, тўрт қиз ўстириб, уларнинг роҳат-фароғатини, яхши кунлари-ни кўриб юрибди. 56 нафар невараси исмларини рўйхат қилиб олган.

(Давоми 7-бетда)

ТАҚВИМ

"АСОСЧИЛАРИ" КИМ?

Қадимий шахарни зиёрат қилаётган сайёҳлардан бири таржимондан сўрайди:
-Мана бу бино қачон қурилган?
-Бундан икки ярим минг йил аввал.

-Ие, ҳазилини қўйинг, икки мингйил ил энди тугаяпти-ку?! Албатта, бу ҳазил. Бироқ ростдан ҳам ҳозир бутун дунёда юртилаётган йил ҳисоби ер юзидаги ҳаёт билан бир пайтда бошланган, деб ўйловчилар ҳам топилиб қолса, ажаб эмас. Кўпчилик билса керак, йилнома одатда тақвим ху-сусида гап кетганда милодий, ҳижрий-шамсий, ҳиж-рий-қамарий каби сўзлар тез-тез қулоғимизга чалина-ди.

Милодий тақвим ҳозирги кунда кўпгина мамлакатлар-да асосий йил ҳисоби саналади. "Милод" - туғилиш деганидир. Бундан роппа-роса 20 аср муқаддам Исо Масих таваллуд тоған эди. Қадимги римликлар ана шу санани янги эранинг дастлабки йили сифатида белгилга-ганлар. Милодий тақвим эса ернинг қуёш атрофидаги айланма ҳаракатига асосланиб тузилган. Бу тақвим Гри-гориан ёхуд Юлиан календарига номи билан ҳам юртила-ди. Чунки, ушбу тақвимнинг асосчиси Румо ҳукмдори Юлий Цезарь ҳисобланади. Григориан тақвимидаги ой номлари ҳам рим мифологиясидаги афсонавий қаҳра-монлар номидан олинган (масалан, март, январ, июн, август ва х.к.).

Маълумки, 365 кундан иборат йил ҳар тўртинчи йилда бир кунга "ўзаяди". Бу йил "қабуси йили" деб аталади. Бунинг сабабини қуйидагича изрўхлаш мумкин.

(Давоми 8-бетда)

ЗАМОН - ИЗЛАНГАННИКИ

Меҳнатга бўлган му-носабат ўзгарди. Ҳалол ишлаганлар тўқ яша-шяпти, одамларга кўпроқ фойда келтира-япти. Ўз навбатида, эл-юрт ҳам уларни олқиш-ляпти. Булар мустақил-лик шарофатидир.

Нуриддин Зайниевни кўпдан танийман. Унинг меҳнат фаолияти узок йил-ларга бориб тақалади. Му-

рибали мутахассисларнинг кўпчилиги ишдан кета бош-лаган эди. Янги раҳбар бар-ча чехларни кўздан кечириб ишчилар билан, цех бош-лиқлари, бошқа мутахас-сислар билан учрашиб, аҳолини ўнглаш учун бир қатор тақлифларни ўртага ташлади. Иш ҳақини оши-риш, одамларнинг меҳнат шaroитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар

ҚАЛЬДА ЭЛ-ЮРТ МЕҲРИ БЎЛСА...

тахассислиги қўл келдими ё бўлмаса одамлар билан ҳуш муомаласи иш берди-ми, нима бўлганда ҳам иктисодий-муҳандис сифа-тида кўпнинг озига тушди. Яна ким билади, дейсиз, элу юртига, қасбига меҳр-муҳаббати туйғайли обрў-эътибор топгандир. У киши Муборак газни қайта иш-лаш корхонасида раҳбар бўлиб иш бошлаган даст-лабки кунларда корхонада ғалати ҳолат ҳукмрон эди. Заводни юзлаб корхона-лар, илмий-тадқиқот муас-сасалари билан боғлаб тур-ган алоқалар узилган, таж-

ҳақида ўйлади. Қараса за-водда 50 нафар махсус маълумотга эга бўлган дипломи ишчилар бор. Лекин маҳаллий мутахассислар чет эллардан келиб ишла-ётган мутахассисларнинг сосясида қўллик кетган, улар-га нисбатан ўта ишонсиз-лик билан қараб келинган, заводнинг тақдирини хал қиладиган барча лавозим-лар михлаб қўйилган эди. Бу ҳол раҳбарни ажаблан-тирди. Раҳбар лавозимлар-га маҳаллий кадрларни да-диллик билан қўйиш керак.

(Давоми 2-бетда)

ҚАЛБДА ЭЛ-ЮРТ МЕҲРИ БЎЛСА...

(Боши 1-бетда)

Бу янги раҳбарнинг қатъий ҳулюсаси эди. Хулоса қатъийлик билан амалга оширилди. Орадан кўп вақт ўтмасдан маҳаллий кадрлар кўпайди. Уларнинг орасидан цех ва смена бошликларини етиштириб чиқди. Узоқ йиллар оддий ишчи бўлиб ишлаб келган Б.Рустамов бош муҳандис, Ҳ.Умаров ишлаб чиқариш бошлиги лавозимларига тайинланди. Қайта тайёрлаш мактабиде таълим олган кўплаб дипломли мутахассислар муҳандис-техниклар сафини тўлдиришди. Қўрилаган бу каби чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатмасдан қолмади. Заводнинг иқтисодий кўрсаткичлари кескин ўзгарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар қачонгидан кўпайди. Корхонанинг йиллик қуввати лойиҳадаги 22 миллиард кубометр ўрнига 30 миллиард кубометрга етказилди.

«Яна бир катта ютуғимиз шунда эдики, - дейди, Нуриддин Зайниев, - меҳнат жамоамиз жаҳоннинг ўндан ортиқ хорижий давлатлари билан тенг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга эришди. Кўплаб янги технологик блок ва цехлар қурилиб ишга туширилди. Ишлаб чиқариш қуввати бир йил ичида 8 миллиард кубометрга ўсди. Эндиликда, АКШ, Канада, Швейцария, Малайзия, Польша каби мамлакатларнинг етакчи мутахассислари атроф-муҳитни муҳофаза қиладиган ишчи-отлар қуриш, янги техника ва технологиялар жорий этиш, жаҳон андозаларига мос келадиган грануланган олтингу-гүрт ишлаб чиқариш соҳасида ўзбек мутахассислари билан елкама-елка туриб меҳнат қилишяпти.

Ҳозирда Муборакнинг ўтмиши ҳақида кўп нарса айтиш мумкин. Бу жойларда чорвадорлар истиқомат қилишарди. Бир ўчи Бухоро вилоятига туташган даштларда таппи ёқилиб чой қайнатиларди, ичимлик суви тақчил эди. Эндиликда, Муборак ўзининг гўзал боғ-роғлари, гулзорлари билан кишини мафтун этади. Айни ёз ойларида ҳам шаҳар баҳорни эслатади. Атрофдаги яшиллик кўзни қамаштиради. Осмон-йўл турар-жой ва маъмурий бинолар шаҳар ҳуснига чирой қўшиб туради. Хуллас, кечаги чўлу биебон ўрнида эртақларда битилган кўркам шаҳар қад ростлади.

Нуриддин Зайниев билан бўлган суҳбат менда чўқур таассурот қолдирди. Саволларга жўшиб жавоб бераётган суҳбатдошим «журналистлар рақамларга ўч бўлишди, битта рақамни ёзиб қўйинг», деди. Бу тақлифга бажонидил рози эдим. Шу боисдан ҳам айтинг, деган маънода у кишига қардим.

«Ҳозирги кунда, - деди, суҳбатдошим мамнулик билан, - Муборак газни қайта ишлаш заводи дунёдаги ана шундай корхоналар орасида умумий ишлаб чиқариш қуввати бўйича биринчи ўринга кўтарилди. Энди яна бир рақам: Ўзбекистон давлатида қазиб олинadиган хомашёнинг катта қисми Қашқадарё вилоятига тўғри келади. Қашқадарё мисли кўрилмаган бойликлар ўлкаси эканлигини яхши биласиз.

«Ҳозирги кунда сиз янги лавозимда ишляпсиз. Яъни, Муборак нефть ва газ конлари бошқармасига раҳбарлик қилляпсиз. Янги вазифа оғирлик қилмаяптими?»

«Олдинги ишлаш жойим билан ҳозиргиси ёнма-ён ўсаётган икки дарахтга ўхшаб кетади. Лекин иш кўлами кенг. Аввалги иш жойида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозиргисида газ ва нефть комплексларини хомашё билан таъминлаш кўзда тутилган. Тўғри, бошқарувда фарқ бор. Қийналмай ишляшимга узоқ йиллик тажриба қўл келяпти. Бунинг устига, етук мутахассисларимиз бор. Ишдаги қийинчиликларни биргаликда енгамиз. Меҳнатда тобланган жамоамиз билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Ўринбосарларимдан тортиб, оддий ишчиларгача ўз касбларининг сир-асрорини яхши билишяпти.

«Кўп вақтингиз иш билан ўтса керак?»

«Худди шундай. Кечаси билан ишлаган қуларим бўлади. Қолаверса, илмий иш билан ҳам шугулланаман. Ҳозир докторлик илмий ишимни ҳам ёзаяман...

Бозор ЭРҚОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Ўтган йил «Соғлом авлод йили» деб аталган бўлса, янги 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб номланди. Мазкур йилларнинг бундай номланишлари ўзаро бир-бирига боғлиқдир. Зеро, биз ҳукуратимиз томонидан бўлаётган катта эътибор туфайли янги асрга жисмонан соғлом ва ақлан етук фарзандларимиз билан кириб бормоқдамиз.

Б.АКРАМОВ олган сурат

САМАНДАР ОТАНИНГ МИЛЛИОНЛАРИ

Табиат ўжар, ҳамма вақт ҳам деҳқонга ён босавермайди. Бу йил қуйи Амударё минтақасида сувсизликдан минглаб гектар майдонларга экилган шол, пахта ва бошқа полиз экинлари қуриб қолди, хўжаликлар, фермерлар, умуман, деҳқонлар анчагина зиён кўрдилар.

«Сувсизлик олдида довдираб қолганимиз йўқ, - дейди Богот туманидаги «Барчин» фермер хўжалиги раҳбари Самандар ота Сафоев. -

Ариқда сув бўлмаган пайтлари кўчма насосларни ишга солидик. Ҳар томчи сув ҳисобда бўлган, ҳар куб оби ҳаёт хўжаликларга ўлчов билан берилган кезларда навбат кутиб ўтириш аслида ниҳолларни боғ бериш демакдир.

Фермер беш гектар майдонга шол, пахта, шунинг бир гектари қўлда кўчатлаб экилди. Хирмон ҳам чакки

бўлмади - ўн беш тонна ҳосил олинди. Улар уруғликка қабул қилинди.

Икки гектар майдондаги бугдойдан нақд ўн тонналик хирмон кўтарилди. Бедазорда беш марта ўроқ ўтказилди, ем-хашак чорва учун қишга ғамлаб қўйилди. Қисқаси,

ШУНДАЙ
ОДАМЛАР БОР

деҳқончиликдан тўрт миллион, чорвачиликдан эса 1,5 миллион сўм атрофида даромад қилинди.

Даставвал, Самандар ота ихтиёрида атиги икки гектар ер ва ўн бош қорамол бор эди, холос. Айни пайтда молларнинг сони эллик бошга етди. Шулардан ўн уч боши соғин ситирлар. Ҳозиргача шартномага кўра 10 тонна сут ва бир тонна гўшт сотилди.

Сўнгги икки йилда фермер юз бош молга мўлжалланган қишқи ва ёзги молхона, ўнта

трактор учун махсус гараж, 100 тонна дон сақланадиган омборхона ва иссиқхона қурди.

Самандар ота Сафоев воҳада машҳур деҳқон. Узоқ йиллар раҳбарлик вазифаларида ишлаган, ҳатто, машҳур глянчилар чангалига тушиб, ўзининг ҳалол ишлаганлигини оқлай олган киши. Мустақилликдан сўнг фермерликка чинакамига ихлос қўйди, хўжалик раҳбарлигига қандай ишлаш кераклигини кўрсатди, исботлаб берди.

«Кейинги йили ҳам сув мўл бўлади деб ҳеч ким қафолат бера олмайди, - дейди Самандар ота. - Деҳқон ҳар қандай синовларга тайёр туриши керак. Баҳор ғамини қишда, ёз ғамини эса баҳорда ўйлаган яхши. Шунда даладан кўнгилдагидек ҳосил олиш мумкин.

Холмурод
ҚУРБОНОВ

"РАНЖ КЎРМАЙ КИИ ТОПАРМУ ФАРОҒ..."

(Боши 1-бетда)

Олдимизда турган янги асрнинг ҳосиятини эса бугунги кунда ҳам ҳис қилаётиман. Аналари кафтида тутиб эъозланган, фарзандлари кафтида тутиб ардоқланган юртнинг бағри бутун бўлади. Бағри бутун юртнинг эса толейи бутун бўлади.

2001 йилнинг «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилиниши ана шу ҳосиянинг бошланишидир.

Мен бир она сифатида 2001 йилнинг «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилинишини қалбимда бир буюк меҳр туйғуси билан қабул қилдим. Ахир она-зорнинг борлиги унинг етмиш икки томирида оқиб турган жону жаҳони фарзандидир.

«Оналар ва болалар» йили остана бўлгучи XXI аср иншооллох Ер юзида Ўзбекистон фарзандлари асри бўлсин! Йиллар ўтади. Асрлар бир нафас янглиг мангулик қаърига сингиб кетади. Тоғлар емирилади, дарёлар чекинади, лекин одамзоднинг Ватан тақдири, халқ бахтини

ўйаб қилган эзгу ишлари абдий қолади. Шундай экан, мен ўйлайманки, биз ҳақиқий юртпарварликни, ҳалл ва фидойи бўлишни, ҳақнинг оғирини енгил қишга сарф қилиш учун хўёр-халоватдан воз кечишни, ўзимизнинг ҳаёту аълоларимизга айланира-олсаккина Юртбошимининг чинакам қанотга айланишимиз. Ахир халқ бир тўдин бўлса, у ҳар қишга ҳамталпинмайди, халқ бир демиз бўлса, у ҳар қишга ҳамэргашмайди, халқ бир кучбўлса, қудрат бўлса у ҳар қишнинг ҳам қўлини нонек азияз билиб, пелонасга суртмайди. Бизга анашундай олий ишчи, оли саодат насиб этган экан, мен ўйлайманки, ман шу ишончни оқлаш, анашу ишончга сазовор бўлиш 21 асрда ҳам даъм этади. Бу йилда бизга та-бобларимизнинг таф-куръанасидан қўлимизга машаа қилиб олиб ўт-чи, ўқимизни қуёш янглиг ёриғуни дурдоналар бир, 2001 йилда 560 йиллигини-шонанадиган Ҳазрат Ҳавоид шундай мисраар бор

рж кўрмайи толу фароғ,
қигил ўртайин ёму чароғ,
тўм ерга нб ак бўлди,
юрт жондичиб ак бўлди.

ла тухуми рағбинг йўқму?
лак куртичк химинг йўқму?

Бугун бешс наридан йтилган шўаъватни ў албимизга ита бир мухр асак.

Юла тухума рағбинг йўқму
Илла курталик химинг йўқму?

Ана шу фолга қалб издан ҳақиқий бир жаҳо излашга урисик ва ана и кавобни топсак, XXI аср Ўзбекистон учун маънавий асри, маърифат асри, раққиёт ва модат аср бўлади!

Г.ИБОДУЛЛАЕВА,
«Маънавият ва маърифат» халқатчилик марказининг Хорам вилоти бўлиги бошлиғи, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.

АРЧА ҲАҚИДА СЎЗ



Янги йил байрагини исиз тасаввур этилмайди. Нега бишк даштларни айтмасан арчани тилга ола-м?

Илгари арча жонли пўл мевалар билан безатилган, кейин унга ёноқлар дамди.

Билсизми? Бошқа уруқ арчизатилмаган. Айларича, Бонифаци исми онах эман даратни сийиб юрвчиларнинг қоларида «бунга сийни мўн эмас» деб вт-эмни кулатади. Кувага эмирати остидаги ёр дашларни синдириш бия яқсон қилганида ф

кат арча соғ қолади. Ўнги хангуманг бўлган авли-мо нах: «Ҳақиқий ҳосиятли дашт, мана шу!» деб байри юборибди.

Илгари арча жонли пўл мевалар билан безатилган, кейин унга ёноқлар дамди.

"Т У Р О Н"

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ

Банк Кенгаши ва Бошқарув
ўз акциядорларини, мижозларини,
шунингдек, республикамизнинг барча
аҳолисини

ЯНГИ-2001 ЙИЛ БИЛАН

самимий муборакбод этади.

Тинчлик-хотужаллик,
фаровонлик

шу табаррух ватанда
доимо барқаро бўлсин!

ЯНГИ АСР

мамлакатимиз учун ҳаёру барака,
юксалиш, тараққиёт асри бўлиб
тарихга киришига амимиз.

Шу эзгу ниятлар ўлида барчага
улкан зафарлар тилайиз!





“ЎЗТАХТАСАНОАТСОТИШ” УЮШМАСИ

Кўнгли пахтасидек оқ ўзбекнинг барча катта-кичигини, шу азиз ва мўътабар Ватанда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари янги АСР билан самимий муборақбод этамиз! *

2001

ЙИЛ ҲАММАМИЗ УЧУН ҚАДАМИ
ҚУТЛУФ ЙИЛ БЎЛИШИНИ
ЯРАТГАНДАН СЎРАБ ҚОЛАМИЗ!



2001 - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ИШЛАБ
ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ

Ўзбекистон халқини

2001 - Оналар

ва болалар йили

Билан қизгин муборакбод этади.

XXI аср

ҳамма оилага бахт-саодат, тинчлик,
саломатлик ва эзгулик олиб келишини
Яратгандан сўрайди.

**Янги йилингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юрtdошлар!**

"ТАСВИРИЙ ОЙИНА" РЕСПУБЛИКА
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

Янги йилингиз муборак бўлсин!



Барчага тинчлик-хотиржамлик,
меҳр-оқибат, эзгулик тилаймиз!

"ФАРОВОН" САВДО-ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КОМПАНИЯСИ



Янги йилингиз муборак бўлсин!

Жамоамиз янги асрнинг даспалбки
йилларида ҳам халқимиз
байрамларини, тўю шодиёналарини
серфайз қилиш йўлида меҳнат
қиладилар.

Мустақиллик туфайли хорижий
сармоялар,

дунёдаги энг рақобатбардас
технологияларнинг ишлаб чиқишга
жорий этилаётгани мамлакатимизни
яқин йилларда дунёдаги тарақий
этган давлатлар даражасига
эришишидан далолатдир.

Биз, ана шу сермашаққат йўлда
меҳнат қилаётган барча азизларга
эзгу тилаklarимизни изҳор этмиз.

Янги - 2001 йил

барчангизга омад
ва
зафарлар келтирсин!

ТОШКЕНТ САМОЛЁТСОЗЛИК ИШИЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ, ЯНГИ ЙИЛДА
ШУ ТАБАРРУК ВАТАНГА ҚАДАМ
РАНЖИДА ҚИЛАДИГАН МЕҲМОНЛАР ВА
САЙЁҲЛАРНИ, ШУНИНГ ДЕК, ЎЗБЕКИСТОНДА
ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЭЛЧИХОНАЛАР
ЖАМОАЛАРИНИ 2001 ЙИЛ БИЛАН
ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

**Биз ватанимизнинг иқтисодий
ТАРАҚҚИЁТИГА КАТТА ҲИССА
ҚўШАЁТГАНИМИЗДАН ДОИМО ФАХРЛАНАМИЗ.
Корхонамизда яратилган замонавий
йўловчи ва юк ташувчи самолётлар
яқин ҳамда узок хорижий давлатлар
авиакомпаниялари ўртасида ўз
РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИГИ БИЛАН
АЖРАЛИБ КЕЛМОҚДА.**

**XXI аср Ўзбекистон учун тараққиёт ва юксалиш
асри бўлишига тилакдошимиз.**

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



ГОСУДАРСТВЕННО-АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО "ТАПОИЧ"

**ПОЗДРАВЛЯЕТ С НОВЫМ 2001 ГОДОМ ВСЕХ СООТЕЧЕСТВЕННИКОВ, ГОСТЕЙ И ТУРИСТОВ, ПРИБЫВАЮЩИХ НА
БЛАГОСЛОВЕННУЮ ЗЕМЛЮ НАШЕЙ РОДИНЫ, А ТАКЖЕ КОЛЛЕКТИВЫ ПОСОЛЬСТВ ДЕЙСТВУЮЩИХ НА ТЕРРИТОРИИ
УЗБЕКИСТАНА! Мы преисполнены гордости за то, что вносим большой вклад в
экономическое развитие нашего государства. Созданные на нашем предприятии пассажирские и
транспортные самолёты отвечают всем современным требованиям, являются
конкурентоспособными и привлекательными для авиакомпаний ближнего и дальнего
зарубежья. Уверены, что XXI век для Узбекистана станет веком развития и прогресса!**



Дорогие соотечественники!

Пусть Новый год принесет Вам благополучие, удачу и счастье!

"ЎЗБЕК ҚОРАҚҮЛИ" КОМПАНИЯСИ, "БУХОРО ҚОРАҚҮЛИ" ВА "КЕЛЕС ЖҮН" ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ

**Мамлакатимизнинг энг чекка
хўрўдларида, бепоён Қизилқум
саҳроларида, жаҳон бозорига
рақобатбардош Ўзбекистон
қорақўлини тақдим этишдек хайрли ва
сермашаққат соҳада меҳнат
қилаётган барча чорвадорларни,
тажрибали чўпонларни,
Ватанимизнинг барча фуқароларини**

XXI-АСР билан самимий муборакбод этамиз!

**Янги йил хонадонингизга
қут-барака, хотиржамлик, меҳр-
оқибат олиб кирсин!**

**Юртимизда доимо тинчлик
барқарор бўлсин.**

**Даллоҳ таоло ҳаммамизга соғлик,
узоқ умр, ишларимизга
баракотлар ато этсин!**



ЭЗГУ НИЯТ – ЭЗГУ ИСТАК

Олий Мажлис сессиясида Юртбошимиз Имом Каримов эзгу мақсадлар йўлида олиб борилаётган ишлар хусусида, келгуси асрда ҳам юртимизни равақ топтириш ҳақида сўзлагандилар.

Мен мухтарам Юртбошимизнинг, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган сўзларини доимо қалбимда сақлайман. Беихтиёр шундай бағрикенг, одил Президентимиз борлигидан фахрланиб кетасан, киши.

Кўнгилдаги гап

Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганига эндигина 10 йил тўлаётган бўлса-да, қисқа давр мобайнида улкан ютуқларга эришилгани барчамизга ойдек равшан. Энг қувонарлиси, истиқлолнинг илк йиллариданоқ маънавиятга, таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Унут бўлаёзган қадриятларимиз, миллий байрамларимиз қайта тикланди. Давлатимиз раҳбариятининг, айниқса, ёш авлод тарбиясига жиддий нигоҳ билан қараётганлиги ҳам эртанги нурафшон кунларимизнинг ёруғлигидан дарак беради. Ана шундай шукуҳли кунларга етиб бориш учун биз – эртанги куннинг эгалари бўлмиш талабалар ҳам кунт билан ўқишимиз керак бўлади. Билим олиш, ўқиб-ўрганишимизга эса барча шароит мўҳайё.

Шундай экан янги асрда Ватан равақи йўлида курашиш ҳамма қатори биз, талабалар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир!

Гулмира ВАЛИЕВА,
талаба.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўзбек деҳқонининг меҳнатга бўлган муносабати кескин ўзгарди. Буни биз ерга, етиштирган маҳсулотига ўзи эга эканлигидан ҳам билиб олсак бўлади.

Эндиликда деҳқонларимиз кимнингдир кўрсатмаси билан эмас, шахсий манфаатдорлиги юзасидан ўз ишига ёндоша бошлади.

Мен деҳқон фарзандиман. Катта бир оиланинг рўзгорбо-шисиман. Болаларимни ҳам она заминга меҳр уйғотиб, меҳнаткаш қилиб тарбиялаял-

ҚАДАМИДА ГУЛЛАР ОЧИЛСИН

ман. Хар гал янги йилни ўзгача бир интиқлик билан кутаман. Янги йил бошланди дегунча, мендан бахтиёр одам йўқдек туюлади. Бойликка қон, тупроғи олтин далаларга ошиқаман.

Ота-онам қишлоқда умр бўйи деҳқончилик билан банд бўлганлиги учунми, хар қалай менинг қалбимда она заминга ўзгача меҳр-муҳаббат бор. Яратган эгам хар бир кишига бажарган эзгу-амалларига қараб, ризқу насибасини берар

экан.

Биз, юртимиз истиқлолга эришгач, оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб, "Сафар Ботир" фермер хўжалиги-

АССАЛОМ, XXI АСР

ни ташкил қилдик. Дастлаб 25 гектар ерда турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирдик. Даромадимиз ҳам шунга яраша, салмоқли бўлди. Яқунланган йилда

хўжалигимиз аъзолари билан 64,5 гектар ерда деҳқончилик қилиб, хар гектардан 844 минг сўмлик маҳсулот олдик. Жумладан, 36 тонна галла, 402,5 тонна картошка, 85 тонна помидор, 109 тонна узум, 65 тонна мева етиштирдик. Ялпи даромадимиз 54 миллион 464 минг сўмни, соф фойда эса 19 миллион 613 минг сўмни ташкил қилди. Хозирда ишчиларимизнинг қайфиятлари аяло. Чунки, жамоамиз янги асрни

ёруғ юз билан кутиб олишди.

Аксарият кишилар янги йилни фан-техника, янгича онг, тафаккур асри бўлади, дейишмоқда. Эҳтимол улар ҳақдирлар. Мен янги аср ёш авлодга барқамоллик, оналар учун эса саломатлик асри бўлишини жудаям истардим. Улар қадамида гуллар очилсин!

Неъматилла АНОРҚУЛОВ,
Булунғур туманидаги "Сафар Ботир" фермер хўжалиги раҳбари.



Ўтаётган асримизнинг сўнгги йиллари Ёхидовон туманидаги Садриддин Айний номи жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Ҳазрат Облоқулов ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирди. Эсини таниганидан буюн пахтазор оралаб келган уста деҳқоннинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга сазовор бўлди. Хуллас, Ҳазрат Облоқулов ҳам бугун ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солар экан, кўнглида ажиб бир фахр-ифтихор ҳисларини туйишини яшириб ўтирмайди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳазрат Облоқулов.

Т.ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

УЧ АСРНИ КЎРГАН БОБО

(Боши 1-бетда)

200 нафардан зиёд чевара ва эваралари ҳузурига келганда ўз отларини айтиб келишади.

– Нақадар бахтлиман, – дейди Қувват бобо Қулатов. – Худо хоҳласа, яқинда учинчи аср билан юзлашаман. Юрагимдаги энг катта армон – юртимиз озод, ҳур қўриш эди, Худога шукр, ушалди. Қани энди, илгариги куч-қувватим бўлса-ю, ана шу озод юртинг равақи йўлида тинмай ишласам ва яшасам.

Қишлоқда хар йили унаб туй ўтади. Хар бир туйнинг туйбоҳиси 104

ёшли Қувват бобо Қулатов бўлади. Бобо қозонга қанча гуруч солиш, қанча одам тақриф этишгача ўзи айтади.

Дарвоқе, қишлоқ фаровонлигида бобо фарзандларининг ҳам алоҳида улуши бор. Уларнинг қўлчилиги дала ишларида ва тадбиркорликда бошқаларга намунадирлар. Каттаси 68 ёшли Қодир Қувватовнинг йўл устидаги мухташам чойхона-ошхонасига куннинг қай маҳалида таширф буюрманг, меҳмондўстлик ва ширинсуханликдан баҳраманд бўласиз. Марказий Осиё ва бошқа минтақа давлатларидан келган азиз

меҳмонлар билан дийдор қўришасиз. Ва уларнинг Қодир ака Қувватов шаънига "Ошига ҳам, ошпазига ҳам балли, отасига минг раҳмат!" деб олқиш айтиб кетаётганларини эшитасиз.

"Нима эксанг, шуни ўрасан", дейди халқимиз. Қувват бобо ва унинг фарзандлари экканини ўришяпти. Омон бўлсин, юртимизнинг шундай пиру бадавлатлари.

Келдиёр ЖҲҲАҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

СЎЗ – 2000 ЙИЛ ҒОЛИБЛАРИГА

ҚАРАШЛАР ЯНГИЧА, ТУРМУШЛАР ЎЗГАЧА

Ширкат усулида ишлашнинг қулайлигию плёнка остига чигит экишнинг афзалликлари, мана, бизлардан сўранг. Келиб ишимизни кўринг, кузатинг, ўзингиз хулоса чиқаринг.

2000 йил, XX аср, иккинчи мингйиллик тарих саҳифаларига айланди. Сўнгги йилларда пахтачиликда янги уфқлар очилди. Мамлакатимизда Андижон технологияси – замонавий пахтачилик мактаби яратилди. Бугун жаҳонга кўз-кўз этса арзигулик илгор тажриба маркази ҳам Бобур юртида вужудга келди.

Янги асрга андижонликлар шу ўринда "Ёрқишлоқ" ахли деҳқон бобонлари, ёш қариси, барча-барча янгича бир тафаккур, орзу-умид, гурур-ифтихор билан кириб келди. Қарашлар янгича, тўйлар ўзгача, маросимларимиз эса бўлақча – демакки, ҳаётимизда 2001 йил, XXI аср, янги минг йиллик нафаси, садоси бор. Бундай эзгуликлар эса халқимизни буюк келажак сари қорламоқда.

Деҳқоннинг қосаси оқарди, фермер миллионер бўлди, пудратчию ижарачининг омади қопди. Кетмон сопида қўли қадок пахтакорнинг ҳовлисида хорих давлатида чиқарилган енгил машина. Омборида дон, қорбоғида уор-уор қўй. Буларнинг барчаси, энг аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталикдан. Президентимизнинг элпарварлигидан.


Мана шундай Ватанда яшаб, меҳнатга меҳр боғлаганлар сира кам бўлишмайди. Хўжалигимизда хар гектар ердан 50 центнерга яқин ҳосил олинди. Бу республикаимизда юқори кўрсаткич.

Муваффақиятнинг бош омили, биринчи, барвақт шудгор, иккинчиси, ерни маъданли ва маҳаллий ўғитга тўйдириш, учинчиси, куздаёқ ерларни текислаб, пушта олиб қўйишда бўлди. Тупроқ қор-ёмғир суварига тўяди, дам олади. Баҳорда чигитни плёнка остига қўшқатор усулида экиш яхши самаралар берди. Хар гектар ерда 160 минг туп қўчат бўлгач, режа 150-160 фозига, албатта, уддаланади-да. "Ёрқишлоқ" ликлар меҳнат қилиб бахт топаётганлардан.

Озод ва обод юртимизнинг халқига – барча-барчага янги йил, янги аср муборак бўлсин.

Юсуфжон СОТВОЛДИЕВ,
Жалолқудук тумани "Ёрқишлоқ" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

ИЛОН ЙИЛИ



Мучал ҳисоби илк бор Турон, Эрон, Афғонистон, Озарбойжон, Хитой ва бошқа Шарқ халқларининг муштарак қадриятлари асосида юзага келган.

Ҳн икки хайвон (сичқон, сичир, йўлбарс, қуён, балиқ (аждар), илон, от, қўй, маймун, товук, ит, тўнғиз)нинг Или дарёсидан кечиб ўтиши ҳақидаги машҳур ривоят ҳам турк ҳукмдорлари номи билан боғлиқ. Бизгача етиб келган қадимги ёдгорликлар, Ўрхун-Энсей битиклари ва Беҳистун қоясидаги солномаларда ҳам муҳим саналар мучал ҳисобида

қилинган. Демак, бу аънава узоқ ўтмишга бориб тақалиши табиий. Кейинчалик Фарбда ҳам мучал ҳисоби юритила бошланган. Фақат, Шарқдаги каби Наврўз айёми эмас, балки, милодий янги йил мучаллар ал-машинувини белгилайди. Худди шунга кўра, янги асрнинг биринчи санаси илон йилига тўғри келмоқда.

Қўлчилигимиз илон номи-ни эшитиб, сесканиб кетамиз. Лекин, қадимдан шарқликлар учун илон заковат, бойлик ва бахт-саодат рамзи бўлиб келган. Ҳатто, тушда илон қўришни бойлик эгаси бўлиш, деб таъбир

қиламиз.

Илон йилида туғилганлар эса анчагина заковатли, зеҳни ҳам, сўзи ҳам ўткир, ишнинг кўзини биладиган ва бироз урушқоқ бўлишади. Айни пайтда уларга меҳрибонлик, ўзгалар ҳаётига қизиқиш хисси ҳам бегона эмас. Аммо, бирон ножоиз гап айтиб кўринг-чи, шундай "заҳар сочишадикки..."

Асло, биз бу билан илон мучали хосиятсиз, демокчи эмасмиз. Умуман, мучаларнинг унисияши, буниси ёмон, дейиш ҳам тўғрима. Ахир, эртага нима бўлиши ёлғиз Яратганга аён-ку! Фақат, айтмоқчи бўлганимиз, сокинлик, турмуш тарзининг одатий меъёрида кечини илон йили учун унчалик хос эмас. Шунингдек, иқтисодий аҳвол ҳам, кўпайиб бораётган ижтимоий масалаларнинг ечими ҳам бу йилда кишилардан тинимсиз ҳаракат ва изланувчанликни талаб қилади. Нима бўлганда ҳам, ҳаракатга яраша-да! Қолаверса, яхши ният – ярим давлат, деганларидек, янги йил, янги асрни эзгу мақсадлар билан қарши олсак, бу ёғи бир гап бўлар. Нима дедингиз?

Фарида МАҲКАМОВА.

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Мустиқил мамлакатимизнинг барча
фўқароларини, агросаноат
мажмуи ходимларини
янги мингйиллик билан таъриқлаймиз!

Қишлоқ хўжалик секторини
дунёдаги тараққий этган давлатлар
қаторига олиб чиқиш йўлида меҳнат
қилаётган барча азизларга
янги йилда омад ва зафарлар ёр бўлсин!



2001 йилда

Барчага омонлик тилаймиз!

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

XXI асрнинг қадами қўтлуғ ва баракали бўлсин!



